O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2009 йил 2 май ШАНБА
№ 35 (12.150)

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ● Эркин нархда сотилади

www.th.uz

*Пилла – 2009*

## ЯХШИ ПАРВАРИШЛАНГАНИ ДАҲАГА КИРДИ

**Бу йил Юқоричирчиқ тумани пиллакорлари 2750 қути қурт уруғини парвариш қилиб, 148,8 тонна "кумуш тола" етиштиришни режалаштиришган. Ипак қуртини касалликларга чалинтирмай, соғлом парваришлаб, ҳам мўл, ҳам сифатли пилла етиштириш мақсадида олдиндан пухта тайёргарлик кўрилди. Фермер хўжаликларининг имкониятлари ва озуқа захиралари ҳисобга олиниб, ипак қурти оқилона тақсимланди.**

Туман "Пиллакор" масъулияти чекланган жамияти пиллакорларни олдиндан рағбатлантириш мақсадида фермер хўжаликларига ҳар қути ипак қурти учун 15 минг сўмдан бўнак пули ўтказиб берди. Фермерлар эса, ўз навбатида ички шартнома асосида қурт боқаётганларни қизиқтириш учун 150 минг сўмдан 200 минг сўмгача пул тарқатди.

Айни вақтда 1611 хонадонда ипак қуртлари яйратиб, агротехника талаблари асосида парвариш қилинмоқда. Ҳар бир боқувчига ўртача 1,7 қути қурт тўғри келганлиги боис, жой масаласида муаммолар туғилмай, касаллик тарқаш ҳоллари юз бермаяпти. Бундан ташқари, қурт боқилаётган хонадонлар тўққизта ҳудудга бўлиниб, туман ҳокимлиги томонидан бириктирилган мутахассислар парваришнинг сифати ва қуртларнинг ҳолатини мунтазам кузатиб боришаяпти. Барча қуртхоналар керакли ускуна ва жиҳозлар билан таъминланган.

Истиқлол қишлоғидаги "Дудбоев Давлат", Саксон ота қишлоғидаги "Марат тадбиркор", Бордонкўл қишлоғидаги "Баҳодиров Жавоҳирхўжа" фермер хўжаликларида бошиданоқ тўйдириб боқилаётган ипак қурти тез ва соғлом ривожланиб, олди хонадонларда бешинчи уйқудан туриб, даҳага кира бошлади.



**СУРАТДА:** ипак қуртини озиқлантириш пайти.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

## ПРЕЗИДЕНТ АСАРИНИ ЎРГАНИШГА БАҒИШЛАНДИ

**Бугунги кунда кўлами тобора кенгайиб ва чуқурлашиб бораётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг мамлакатимиз иқтисодиёти, халқнинг турмуш даражасига кўрсатиши мумкин бўлган таъсирини бартараф этиш мумкинми? Ишлаб чиқариш барқарорлигини сақлашда иш берувчилар билан касаба уюшмаларининг ижтимоий шерикчилиги қандай тамойиллар билан бойимоқда? Ишлаб чиқариш ва иш ўринлари қисқарадиган бўлса, меҳнаткашларнинг ижтимоий ҳимояси қандай тус олмоғи лозим?**

Республика Президенти Ислом Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" асарининг касаба уюшмалари ўқув марказида ўтган тақдимот маросимида фаолларни шу сингари масалалар кўпроқ қизиқтирди. Уни касаба уюшмалари вилоят ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ташкил этди.

Иштирокчилар инқирознинг ибтидоси, унинг бугунги ҳолати ва Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири, унинг олдини олиш ва юмшатишнинг асосий омилларига доир маърузаларни қизиқиб тинглашди. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник жиҳатдан янгилаш, инновацион технологияларни кенг жорий этиш, меҳнат самарадорлигини ошириш, янги иш ўринларини ташкил этишда касаба ташкилотларининг роли ва иштирокини кучайтириш лозимлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги мураккаб молиявий-иқтисодий шароитда иш берувчилар билан ҳамкорликни кучайтириш, янги иш ўринлари барпо этиш ниҳоятда муҳим. Касаба ташкилотлари бу борадаги фаолиятни яна ҳам изчил йўлга қўйишлари, қатъият ва ташаббус кўрсатишлари, иш ҳақидан қарздорликни камайтириш, умуман ишловчилар билан жамоа шартномаларида кўзда тутилган тарзда ҳисоб-китоб қилинишига эришишлари долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Бу борадаги барча муаммоларга ечимни мазкур асардан топиш мумкин, дейишди маърузачилар. Шу боис касаба фаоллари ва барча ходимлар бу янги асарни ўрганишларини кенг йўлга қўйиш, унда баён этилган қоида ва йўл-йўриқлар ҳақида олимлар, малакали мутахассисларнинг суҳбатларини ташкил этиш хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**Жўрабек МУРОДОВ.**



**Мамлакатимизда барча жабҳаларда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини тезкор, холис ва ҳаққоний ёритиш, халқимиз маънавиятини юксалтириш, фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, жамиятимизда демократик қадриятларнинг мустаҳкам қарор топишида оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти беқиёсдир. Шу боис Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ушбу соҳада фаолият кўрсатаётган ижодкорлар меҳнатини эъзозлаш, уларнинг самарали ижод қилиши учун барча шароит ва имкониятларни яратиш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

## «ОЛТИН ҚАЛАМ»НИНГ ЯНГИ СОҲИБЛАРИ

Пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида "Олтин қалам" IV Миллий мукофоти учун халқаро танлов ғолибларига мукофотларни тантанали топшириш маросимида булар яна бир карра ўзининг ёрқин ифодасини топди.

Тадбирда турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, талаба-ёшлар иштирок этди.

"Олтин қалам" Миллий мукофоти ташкилий қўмитаси раиси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш. Ғуломов Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий матбуотимизни янада ривожлантириш, эркинлигини таъминлаш, унинг янгиланиш ва ислоҳотлар жараёнларидаги аҳамияти, таъсирини янада кучайтириш, самарали фаолият кўрсатиши учун жаҳон андозалари талаблари даражасидаги шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Оммавий ахборот воситалари таҳририятларини замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминлаш, интернет тизимидан кенг ва оқилона фойдаланиш учун имкониятлар яратиш, ҳар томонлама кўмак кўрсатиш борасидаги эзгу саъй-ҳаракатлар бунинг ёрқин далилидир. Айни пайтда журналистларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, уларнинг касб малакаси ва маҳоратини юксалтириш, янгидан-янги ижодий парвозлар сари даъват этиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Бундай эътибор ва ғамхўрлик журналистлардан билдирилган ишончга муносиб бўлишни, масъулиятни астойдил ҳис этишни, жаҳон журналистикасининг илғор иш тажрибасини пухта ўзлаштиришни, эл-юрт қувончу ташвишлари билан ҳамнафаслик, давр билан ҳамқадамликни, маънавий уйғоқликни, миллий манфаатларимизнинг том маънодаги ҳимоячиси сифатида иш кўришни талаб этмоқда.

Тўртинчи марта ўтказилаётган "Олтин қалам" Миллий мукофоти учун халқаро танлови энг фаол, изланувчан, серғайрат, ташаббускор журналистларни аниқлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш имконини бермоқда. Айни пайтда ушбу ижодий беллашув миллий ва халқаро журналистиканинг илғор ютуқларини тарғиб ва ташвиқ этиш, оммалаштириш, журналистларнинг фаол фуқаролик позициясини намоён этиши учун шароит яратиш, ижодкорларда танқидий фикрлаш ва ўз фаолиятига янгича ёндашувни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу йилги танловга тўрт юзга яқин журналистдан беш мингдан зиёд ижодий иш келди. Бу эса танловнинг нуфузи ва мавқеи, аҳамияти йил сайин ортиб бораётганидан далолатдир. Жорий йилдаги танловнинг ўзига хослиги унда "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили"га бағишланган энг яхши материал ҳамда "Энг яхши матбуот хизмати" каби янги номинациялар ҳам жорий этилди.

Танловнинг бош миллий мукофотини қўлга киритган Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси "Ўзбекистон" телерадиоканалининг ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий дастурлар бош муҳарририятининг ижодий гуруҳи – гуруҳ раҳбари Мамадамин Сафаров – махсус диплом ҳамда энг кам иш ҳақининг 200 баробаридаги пул мукофоти билан тақдирланди.

Танловнинг телевидение, радио, даврий нашр ва интернет журналистикаси йўналиши, шунингдек, рағбатлантирувчи мукофотлар совриндорлари ҳам пул мукофотлари билан тақдирланди.

Тадбирда санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокидаги катта концерт намойиш этилди.

Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Орипов иштирок этди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## Журналистика соҳасида «Олтин қалам» IV Миллий мукофоти ғолиблари ва совриндорлари

**Бош Миллий мукофот**

**Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси "Ўзбекистон" телерадиоканалининг ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий дастурлар бош муҳарририятининг ижодий гуруҳи** – гуруҳ раҳбари **Мамадамин Сафаров**. Одам савдосига қарши курашиш ва ноқонуний меҳнат миграциясининг олдини олиш масалаларига бағишланган "Адашганлар қисмати" туркум кўрсатувлари учун.

**Асосий номинациялар**

**Энг яхши журналистик материал учун (телевидение):**

**1-ўрин:**
**Дилфуза Эсонова** – Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси "Ахборот" маркази муҳаррири. "Парламент соати" рукнидаги муаллифлик кўрсатувлари учун.

**2-ўрин:**
**Алишер Ҳошимов** – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси "Ўзбекистон" телерадиоканали "Ахборот" информацион дастури катта муҳаррири. Мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳамда маданий ҳаётидаги ўзгаришларни ёритган материаллари учун.

**3-ўрин.**
**Рухсора Ғофурова** – "Самарқанд – СТВ" телерадиокомпанияси мухбири. Қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақидаги туркум кўрсатувлари учун.

**Энг яхши журналистик материал учун (радио):**

**1-ўрин:**
**Шоҳида Абдуалимова** – Ўзбекистон Давлат санъат институти журналистика кафедраси ўқитувчиси. Ҳуқуқий мавзудаги туркум эшиттиришлари учун.

**2-ўрин:**
**Муқадамхон Халилова** – "Ёшлар" телерадиоканали катта муҳаррири. "Ҳаёт дарси" рукнидаги ёшлар тарбиясига бағишланган эшиттиришлари учун.

**3-ўрин:**
**Дилбархон Ғаниева** – Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпанияси радиоканали муҳаррири. Маънавий-маърифий мавзудаги эшиттиришлари учун.

**Энг яхши журналистик материал учун (матбуот):**

**1-ўрин:**
**Мақсуд Жонихонов** – "Халқ сўзи" газетасининг бўлим мудири. Ватан туйғуси, миллий мерос ва миллий қадриятлар мавзуларидаги мақолалари учун

**2-ўрин:**
**"Белла Терра" ва "Жаннатмакон" журналлари таҳририяти** – бош муҳаррирлари Мадина Мўминова ва Ирода Дадажонова. Маънавий-маърифий ва ижтимоий-илмий мавзудаги мақолалари учун

**3-ўрин:**
**Луқмон Бўриев** – "Ёшлик" журнали бош муҳаррири ўринбосари. Миллий қадриятлар, анъаналар ва урф-одатлар ҳақидаги материаллари учун

(Давоми 3-бетда).

## ИНСОН АЗИЗ

**9 май – Хотира ва қадрлаш кунига бағишлаб Паркент туманида тадбир бўлиб ўтди.**

Республика хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан ўтказилган тадбирда шоирлар, Зулфия номидаги давлат мукофоти соҳибалари томонидан ўқилган она диёр қадри, меҳр-муҳаббат, одамийликни улуғловчи шеърлар, нуронийларимизнинг панду-насиҳатлари, бугунги кун шукронасига йўғрилган фикр-мулоҳазалари йиғилганларда чуқур таассурот қолдирди.

**"Туркистон-пресс".**



## БАРЧАГА ТААЛЛУҚЛИ ВАЗИФА

**Оққўрғон туманида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан қишлоқ аҳолиси тиббий маданиятини оширишнинг долзарб муаммоларига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.**

Тадбирда Олий Мажлис сенаторлари, халқ депутатлари вилоят кенгаши, соғлиқни сақлаш бошқармаси, хотин-қизлар қўмитаси ва бошқа мутасадди ташкилотлар вакиллари ҳамда туман фаоллари иштирок этди.

Давра суҳбатини Сенат қўмитаси раиси, Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов олиб борди.

Сўзга чиққанлар "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурининг узвий қисми бўлган қишлоқ аҳолисининг тиббий маданиятини ошириш, оилада, меҳнат жамоаларида соғлом муҳитни яратиш, оналик ва болалик муҳофазаси, болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, қишлоқ шароитида бола парваришининг ўзига хос томонлари, йод танқислиги ва унинг олдини олиш, бўлғуси оналар, ҳомиладор аёллар тиббий маданиятининг аҳамияти каби долзарб мавзуларда фикр юритишди.

– Саломатлик энг катта бойлигимиз. Уни асраб-авайлаш, бу йўлда барча имкониятларни ишга солиб, мустақил юртимиз келажагини таъминлайдиган соғлом авлодни вояга етказиш ҳар биримизнинг бурчимиздир, – деди Эркин Воҳидов. – Бунинг учун эса тиббий маданиятни оширишга астойдил ҳаракат қилмоғимиз, муаммоларни биргаликда ҳал этмоғимиз зарур.

Давра суҳбатига таклиф этилган меҳмонлар иштирокчиларни қизиқтирган тиббий маданиятга доир барча саволларга батафсил жавоб беришди. Қизиқарли суҳбат севимли шоирларимизнинг мушоирасига уланиб кетди.

2009 йил учун
ОБУНА
давом этмоқда.
«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
газетасининг индекси – 205.

## ЁШЛАРНИНГ ЎРНИ АЛОҲИДА

**Маҳаллаларда маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда ҳудудда яшаётган аҳолининг, айниқса, ёшларнинг ўрни ва вазифаси нималардан иборат бўлиши лозим? Бу саволга Ангрен шаҳрида бўлиб ўтган маънавий-маърифий тадбирда жавоб изланди. Тадбир бошланишида иштирокчилар учун "Ҳалокат гирдоби" ва "Жаҳолат" видеороликлари намойиш этилди.**

Исломшунос олим У. Ғафуров, "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви раиси ўринбосари Б. Обидов ва бошқаларнинг маърузалари фильм ғояларига ҳамоҳанг бўлди. Тошкентдаги "Турон" театр студияси томонидан тайёрланган саҳна кўринишлари тадбирнинг мазмун ва мундарижасини янада бойитди. Мутахассислар йиғилганларнинг кўплаб саволларига жавоб бердилар.

– Ташкил этилаётган тадбирлар аксарият ҳолларда маърузалардан иборат бўлади, бу сафар саҳна кўринишлари, ҳужжатли роликлар намойиши унинг ниҳоятда сермазмун бўлишини таъминлади, – дейди "Маҳалла" жамғармаси Ангрен шаҳар бўлинмаси раиси З. Қодиров.

"Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими ташаббуси билан бундай тадбирлар вилоятнинг Оҳангарон, Олмалиқ, Чирчиқ шаҳарларида ҳам бўлиб ўтди.

**Шаҳбоз ИЗЗАТУЛЛАЕВ.**

# 2009 йил – Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили



**Деҳқоннинг топгани ҳалол дея бежиз айтишмайди. Туманимиз деҳқонлари шу кунларда Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилини ёруғ юз билан якунлаш, мўл ҳосил етиштириш мақсадида астойдил меҳнат қилишяпти. 26062 гектар ерда тер тўкиб, 56833 тонна ғалла, 39220 тонна пахта, 2936 тонна мева, 760 тонна узум етиштиришнинг ўзи бўлмайди, албатта. Айниқса, пахта-ғалла етиштиришни зиммасига олган 376 фермер хўжалиги аъзолари бу масъулиятни жуда яхши англайдилар.**

## ЗАМИН ҲОСИЯТИ

Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими 86 та фермер хўжаликларига 5-7 йилда қоплаш мажбурияти билан керакли техникаларни лизинг асосида тарқатди. Жумладан, 9 та "Класс-Доминатор" ғалла комбайни, 19 та "ВТ-150" ҳайдов трактори, 58 та "МТЗ-80" ва "ТТЗ- 80" чопиқ тракторлари улар хизматида. Шунингдек, 119 та сеялка, 230 та чопиқ трактори, 230 та культиватор, 933 та борона, 101 та ҳайдов тракторлари етказиб берилди.

Ҳозир туманда 17 та чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида 2204 бош қорамол боқилмоқда, шундан 738 боши соғин сигирлар. Бу хўжаликларга ем-хашак етиштириш учун 522 гектар ер ажратилди. Туман аҳолиси қўлидаги чорва моллари ҳам кам эмас. Агар уларни ҳам ҳисобласак, тумандаги қорамоллар сони 33851 бошга етади. Украинадан келтирилган 127 бош наслли қорамол ҳам туман чорвачилигини ривожлантиришга хизмат қилиши аниқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан фермер хўжаликларида чорвачилик ва паррандачиликни ривожлантириш мақсадида қўшимча 918 бош қорамол ва 47600 бош жўжа боқиш ҳисобига янги 456 та иш ўринлари яратиш кўзда тутилмоқда. Шу мақсадда "Алимкент ПТК" очиқ акциядорлик жамиятининг "Шоҳруҳия" пахта қабул қилиш пунктида инкубатория қуриш ва ускуналарни ўрнатиш ниҳоясига етказилмоқда. Унда етиштирилган дастлабки жўжалар май ойида фермер хўжаликларига етказиб берилади.

Туманимиз чорвадорлари ҳақида сўз борганда суяги меҳнатда қотган, "Эл-юрт ҳурмати" ордени нишондори Эргаш ота Ниёзов бошлаган кўламли ишларга алоҳида тўхталиш ўринлидир. Саксон ёшни қоралаб қолган Эргаш ота 57 йилдан буён туман кенгаши депутати. "Эргаш-Саиджаҳон" чорвачилик фермер хўжалигини ташкил этганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Аммо, дастлабки натижаларнинг ўзи унинг уста чорвадор эканлигидан дарак бериб турибди. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилининг дастлабки кунлариданоқ ғайрат билан ишга киришган фермер бугунги кунда 21 кишини иш билан таъминлади.

– 400 бош қорамол, 504 та қўй, 50 бош йилқини йил охиригача яна кўпайтириш ниятида 150 миллион сўмлик кредит олиб, қўшимча 100 бош қорамол сотиб олмоқчиман, – дейди фермер. – Йилнинг иккинчи ярмида сутни қайта ишлаш корхонасини қурмоқчиман. Шу кунгача аҳолига 28 тонна гўшт, 100 тоннадан кўпроқ сут етказиб бердик.

Фермер ўз хўжалиги ихтиёридаги 56 гектар бедазор, 14 гектар буғдой, 10 гектар маккажўхори майдонларида озуқа ҳозирлайди. Шу кунгача молхоналарни замонавий усулда қайта қуриш учун 200 миллион сўм сарфлади. Яна 90 миллион сўмлик қурилиш ишларини амалга ошириб, нафақат чорва моллари, балки хўжалик ишчилари учун ҳам барча зарур қулайликларни яратиш ниятида.

**Одилжон ИМОНҚУЛОВ,**
**туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи.**

### ТУХУМ ВА ЛИМОН ЎЗИМИЗДАН

**Тумандаги "Покиза-М" фермер хўжалиги бу йилдан фаолиятини янада кенгайтиришга киришган.**

Бунинг учун у товуқхона ва иссиқхона ташкил этмоқчи. Фермернинг айтишича, қурилаётган паррандачилик фермаси 5 мингта товуққа мўлжалланган. Уни қуриш учун "Агробанк"нинг туман бўлимидан 100 миллион сўм кредит маблағи ажратилди. Янги иншоот ишга тушгач, 15 киши муқим иш жойига эга бўлади.

## ВАЗИФАЛАР АНИҚ, ГАП ИЖРОДА

**Республика Президентининг бугунги куннинг энг долзарб муаммоси – жаҳон молиявий инқирози, унинг таъсири ва салбий оқибатлари, юзага келаётган вазиятдан чиқиш йўллари ҳақидаги "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" номли асари ўз фаолиятимизни аниқ ва мақсадли режалар асосида янада жиддий, қатъият билан олиб боришимизда дастуриламал бўлиб хизмат қилади. Шу билан бирга "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурида белгилаб берилган вазифалар ижроси барча саъй-ҳаракатларимизнинг йўналтирувчи кучига айланди.**

Аввало, туманимиз аҳолиси турмуш шароитини тубдан яхшилаш чора-тадбирларидан бири – кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашга жиддий эътибор қаратилмоқда. Бунинг учун уларни иш билан таъминлаш тизими самарадорлигини ошириш талаб этилади. Уй-жой қуриш, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ҳисобига 2495 та янги иш ўринлари яратиш режалаштирилди. Молиявий инқироз оқибатларини юмшатиш мақсадида яна 1595 та, яъни туман бўйича жами 4090 та янги иш ўринлари яратиш мўлжалланмоқда. Биринчи чорак давомида 831 та янги иш ўринлари очилди.

Туман иқтисодиёти ривожида муҳим ўрин тутувчи инвестициялар ҳажми ҳам ортиб бормоқда. Бу йил жалб этиладиган инвестициялар 14 миллиард 124 миллион сўмга етади. Хорижий инвестициялар ва кредитлардан 500 минг АҚШ доллари "RAKSALANA OIL" қўшма корхонасида писта ва зайтун ёғи ишлаб чиқаришга йўналтирилади. Шу билан бирга инвестиция лойиҳасини амалга ошириш, битта янги саноат корхонасини ишга тушириш, мавжуд иккита корхонани модернизация қилиш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 1940 миллион сўмга кўпайиши ва бу корхоналарда 83 та янги иш ўринлари яратилиши кутилмоқда. Умуман олганда, 2009 йилда 23 миллиард 259 миллион 400 минг сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш режалаштирилган. Шу ўринда биринчи чоракдаги ўсиш суръати 124,2 фоиз бажарилганлигини таъкидламоқчиман.

Туманимиз аҳолиси қишлоқ хўжалик ва чорва маҳсулотлари етиштиришнинг энг илғор усулларидан унумли фойдаланиб, мўл ҳосил учун муносиб замин ҳозирламоқда. Бу йил ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ўтган йилга нисбатан 103,1 фоизга ўсиши кутилаяпти. Мавжуд 26062 гектар ерда 56833 тонна ғалла, 39220 тонна пахта хом ашёси етиштирилади. Бу йил чакана савдо айланмаси 41 миллиард 945 миллион 800 минг сўм даражасида режалаштирилган бўлиб, ўсиш суръати 118,6 фоизга етказилади.

Жумладан, биринчи чоракда ушбу режа 9 миллиард 566 миллион 100 минг сўмга бажарилди, яъни, ўсиш суръати 122,0 фоиз бўлди. Шу ўринда аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш ҳажми ҳам ортиб, биринчи чоракда ўсиш суръати 112 фоиз бажарилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш, давлат дастурини бажариб, аҳолига қулайликлар яратиш мақсадида амалга оширилаётган ишларимиз кўлами кенгаймоқда. "Мансур дон", "Сардор ишонч савдо" хусусий фирмаларида қолипли нон ишлаб чиқариш, "Раҳмонбек Умр" хусусий фирмасида донни қайта ишлашни ташкил этиш ва шу асосда 30 та янги иш ўринлари яратиш кўзда тутилган. Мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Мафтуна" очиқ акциядорлик жамияти, "Иззатилла Йўлдош Отабек" фермер хўжалигида махсус цехлар ташкил этиш, "Хонтемир", "Қувват" ва "Дамирбек Мустафо Нодир" фермер хўжаликларида сутни қайта ишлаш технологик линияларини ўрнатиш ва шу асосда яна 78 та иш ўринлари яратиш мўлжалланмоқда. Бу ишларга жами 529 миллион сўм банк кредитлари ажратилади.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида аҳолига қулайлик яратишнинг муҳим йўналишларидан бири таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, замон талабларига мос иншоотлар бунёд этиш, қайта таъмирлашдан иборатдир. Бу йил битта умумтаълим мактаби, битта касб-ҳунар коллежи қурилади, 3 та умумтаълим мактаби капитал реконструкция қилиниб, 4 та мактаб капитал таъмирдан чиқарилади.

Шунингдек, аҳоли саломатлигининг муҳим омилларидан бири дастлабки тиббий ёрдамни ташкил этувчи қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини тубдан яхшилашга киришилди. 2009 йилда 2 та янги қишлоқ врачлик пункти қурилиб, 4 таси мукаммал таъмирланади. Умуман, тиббиёт соҳасидаги қурилишларга вилоят ҳокимлиги томонидан 1 миллиард 900 минг сўм ажратилади.

Табиийки, бундай саъй-ҳаракатлар самарасиз бўлмайди. Аммо, бу чуқурлашиб бораётган жаҳон молиявий инқирози бизни четлаб ўтади, дегани эмас.

Лекин, унинг таъсирини камайтириш ва оқибатларини бартараф этиш учун бизда барча шароитлар мавжуд. Аввало, кейинги даврда мамлакатимизнинг иқтисодий ва молиявий салоҳиятининг пухта пойдеворини, молия-банк тизимининг ишончли бошқарув механизмларини ўз вақтида шакллантириб, мустаҳкамлаб олганимиз бунга кафолат ва асос бўлиб хизмат қилиши муқаррар. Ўз навбатида, бу жиддий синов ҳар биримизни зиммамиздаги масъулиятни чуқур ҳис этиб, фидойилик билан меҳнат қилишга ундайди.

**Аҳрор ҒАФУРОВ,**
**туман ҳокими.**

## Оққўрғон тумани:

# КУЧ ВА ИМКОНИЯТЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИШ ВАҚТИ КЕЛДИ

**Банкимиз ташкил топганига 3 йил бўлди. Ҳозир 1832 та мижозимиз бор. Бундан 904 нафари жисмоний шахс, 514 таси фермер ва 137 таси деҳқон хўжаликлари, 152 нафари оилавий ва хусусий тадбиркорлар ҳамда 125 таси бошқа мижозлардир. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилининг илк чорагида қишлоқда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида банк кредити ёрдамида 12 та янги деҳқон хўжалиги ташкил этилди. Уларнинг аксарияти деҳқончилик, боғдорчилик, асаларичилик ва паррандачилик билан шуғулланяпти. "Самандар ясси асалари" хусусий фирмаси кредит ҳисобига асаларичилик фаолиятини бошлаб юборди.**



## КРЕДИТ ОЛИНГ, БАРАКА ТОПАСИЗ

Бундан ташқари, кўпгина фуқаролар ўзлари истаган кундалик рўзғор воситаларини бизнинг кредитлар эвазига харид қилишяпти. Шу йилнинг ўзида 35 фуқарога айнан шу йўналишда 18 миллион сўм истеъмол кредитлари ажратилди. Шундан Шоҳруҳия қишлоғида яшовчи Носир Солиевга юмшоқ мебеллар тўпламини сотиб олиш учун 1 миллион сўм берилди. Туман марказида истиқомат қилувчи Саодат Масаидова кўпдан бери орзу қилиб юрган уй жиҳозларини банкимиз ажратган 972 минг сўм кредит ҳисобига харид қилди.

Тадбиркор бўламан, деган қишлоқ аёлларини қўллаб-қувватлаш мақсадида шу йилнинг ўзида 26 нафар аёлга 52 миллион 800 минг сўм кредит берилди. Улар аллақачон иш бошлаб юборишди. Бунинг орқасидан ҳам оилалар даромад кўраяпти, ҳам чекка жойларда қишлоқ инфратузилмаси ривожланиб бораяпти. Жумладан, тадбиркор аёл Д. Тиллабоева раҳбарлигидаги "Дилафруз Мурод Жасурбек" хусусий тикувчилик фирмасига 2 миллион 800 минг сўм кредит ажратилиб, тикув машиналари харид қилишга ёрдам берилди.

Ёш оилаларни банк хизматларидан баҳраманд қилиш доимий эътиборда. Йилнинг ўтган чорагида 45 та ёш оила банкнинг 82 миллион сўм кредити эвазига уй-жой ва маиший шароитини яхшилаб олди. Гўзал Пардабоева шундай бахтли оила бекаси. У турмуш ўртоғи билан маслаҳатлашиб, 1 миллион сўм кредит ҳисобидан замонавий мебель харид қилди.

Шу йилнинг охиригача қишлоқларда иккита ҳаммом, 12 та сартарошхона, 6 та савдо дўкони, 5 та тикув цехи, 8 та этикдўзлик шахобчаси, иккита балиқчилик, 8 та товуқчилик фермаси ҳамда битта таъмир-монтаж корхонаси очиш мўлжалланган. Уларни бизнинг банкимиз молиявий қўллаб-қувватлайди.

Яна бир гап. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили муносабати билан қишлоқларда ишлаб чиқариш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун ажратиладиган кредит фоизлари янада имтиёзли бўлди. Жумладан, бошланғич сармояни шакллантиришга бериладиган кредитлар 5 фоиздан 4 фоизга туширилди. Айланма маблағни кўпайтириш учун микрокредитларнинг фоизлари 14 фоиздан 7 фоизга туширилди. 7 фоизли микролизинглар 5 фоиз қилиб белгиланди.

**Анвар МИРХОЛИҚОВ,**
**"Микрокредитбанк" туман филиали бошқарувчиси.**

**СУРАТДА:** банк муассасасида "Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун" шиорига қатъий амал қилинади.

## ЮТУҚЛАР ҲАМ, КАМЧИЛИКЛАР ҲАМ ЎЗИМИЗНИКИ

**Инспекциямизга ҳар куни ўнлаб фуқаролар турли масалалар юзасидан келиб-кетишади. Кимдир савдо-сотиқ дўконини очиш ниятида бўлса, яна кимдир паррандачиликни ривожлантириш ҳаракатида. Бошқа бир фуқаро иссиқхона қуриш учун ҳужжат кўтариб келади. Суҳбат чоғида улардаги янгиликка, ривожланишга интилиш, халқ корига яраш, кимнингдир оғирини енгил қилиш мақсадини пайқаб, қувонамиз.**

Ҳозир туманимиз бўйича 2878 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари рўйхатдан ўтган. Уларнинг 1980 таси юридик мақомга эга бўлса, қолгани якка тартибдаги тадбиркорлардир. Улар асосан савдо-сотиқ, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва иссиқхона соҳасида фаолият юритиб, даромад кўришяпти. Тадбиркорларни иш бошлашларидан аввал давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда махсус гувоҳнома бериш инспекциямизнинг асосий вазифаси. Бундан ташқари, корхона ёки цех очиш учун керак бўладиган таъсис ва низом ҳужжатларини тайёрлаш ҳамда консалтинг хизматларини кўрсатамиз.

Тўғри, тадбиркор бўламан деганлар кўп. Лекин бу масалада муаммолар ҳам йўқ эмас. Масалан, кўпгина фуқароларимиз тадбиркорликни бошлаш учун жой масаласида муаммога дуч келишмоқда. Айримларга биноларнинг ижара ҳақи қимматлик қилса, бошқаларни ноқулай ерда жойлашгани қониқтирмайди. Туманимизда бўш ва қаровсиз ётган бинолар йўқ эмас. Тадбиркорларга ана шу бино ва иншоотларга эгалик ҳуқуқи имтиёзли тарзда берилса мақсадга мувофиқ бўларди. Ёки бўш бинони капитал таъмирлаш шарти эвазига вақтинча фойдаланишга бериб туриш масаласини кўриб чиқиш мумкин. Шунда ҳам жой масаласида қийинчилик бўлмайди, ҳам қаровсиз бинолар янгиланиб, кўчаларимиз қиёфаси яхшиланади.

Бундан ташқари, банклардан кредит олишда гаров масаласида озгина қулайликлар яратилса, нур устига аъло нур бўларди. Энди иш бошлаган айрим тадбиркорларимиз гаровга нима қўйишни билмай, овора. Автомобиль қўяй деса, янгиси сўралади. Нотураржой эса ҳаммада ҳам бўлавермайди. Шу сабаб, Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида бу муаммоларга ечим топилишига ишонамиз. Шояд, туманимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ва бошқа ишлаб чиқариш соҳалари кенг қулоч ёйса.

Дарвоқе, бу йил туманимизда 10 та янги корхона фаолиятини йўлга қўйиш мўлжалланаяпти. Шундан 5 таси, яъни "Мансур-Дон", "Сардор ишонч савдо", "Раҳмонбек умр", "Акмал" ва "Raksalana Oil" корхоналари озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғуллана бошлайди. Мева-сабзавот ва сутни қайта ишлаш борасида "Мафтуна", "Хонтемир", "Дамирбек Мустафо Нодир", "Изатилла-Йўлдош Отабек" ҳамда "Эрнар-Собит Нур" каби тадбиркорлик субъектлари истиқболига катта умид боғлаяпмиз. Чунки улар айнан Оққўрғонда "Made in Uzbekistan" тамғаси остида маҳсулот ишлаб чиқаришади.

**Муҳиддин ТУРДИБОЕВ,**
**туман ҳокимлиги ҳузуридаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси бошлиғи.**

**Ўзи яшаб турган жойни обод қилиш халқимизга хос фазилат. Мустақилликнинг илк йиллариданоқ давлатимиз раҳбари мамлакатимизнинг қишлоқ ва шаҳарларини ободонлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратаётганлиги бежиз эмас. Ҳозирги кунда юртимизнинг ҳар бир гўшаси, ҳатто, энг олис ва чекка қишлоқларда ҳам бунёд этилган замонавий ва кўркам тураржойлар, мактаб ва коллежлар, қишлоқ врачлик пунктлари, маданият ва спорт иншоотлари, боғ-роғлар, равон йўл ва кўприклар кўзни қувонтиради. Айниқса, Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида туманимиз маркази ва қишлоқларимиз қиёфасини яхшилашга жиддий аҳамият бераяпмиз.**

## КЎРГАН КЎЗ ҚУВОНСИН

Бу борада туман ҳокимининг қарори ва қўшимча чора-тадбирлар дастури асосий йўлйўриқ вазифасини ўтаяпти. Шунга кўра, йилнинг ўтган чорагида амалга оширган ишларимиз талайгина. Чунончи, «Бирлик» маҳалласида 350 ўринли ҳамда Олимкент шаҳарчасида 400 ўринга мўлжалланган тўйхоналар бунёд этилиб, фойдаланишга топширилди. Энди маҳаллий аҳоли тўй-ҳашамларини шу ерда ўтказади. Мазкур тўйхоналар қишлоқ қиёфасини очиб, ўзгача бир чирой бериб турганлигидан барча хурсанд. Энг асосийси, тўйхонада бир қанча маҳаллий аҳоли вакиллари муқим иш жойига эга бўлишди.

Бундан ташқари, йилига 2,5 миллион дона пишиқ ғишт ишлаб чиқариш қувватига эга "Мирфайз-Сервис" ғишт заводи ишга туширилди. Бу ерда илк маҳсулот ишлаб чиқарилиши биланоқ мижозлар кўпая бошлади. Аччи қишлоғида газ қуйиш шахобчаси иш бошлади. Уни бунёд этиш учун 800 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланди. Шу қишлоқдаги 540 ўринли касб-ҳунар коллежи ҳамда 21-, 22- ва 25-умумтаълим мактаблари қайта таъмирлангач, янада кўркамлашди.

Йил охиригача марказий деҳқон бозори ҳудудини кенгайтириш ва тадбиркорларимизга шарт-шароитлар яратишни мақсад қилганмиз. Бунинг учун 2 гектар ер майдони ажратилган. Ҳозир турғун савдо дўконларини қуриш учун лойиҳа ҳужжатлари тайёрланмоқда. Лойиҳанинг қиймати 2 миллиард сўмга тенг. Шунингдек, Олимкент, Оққўрғон, Аччи, Тоштўғон ва Шоҳруҳия қишлоқларида гузар, тўйхона, дорихона, умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ва савдо дўконлари очишни мўлжаллаб турибмиз.

Туман аҳолисининг маданий ҳордиқ чиқариши учун шарт-шароитларни яхшилаш бу йилги дастуримиздан кенг ўрин олган. Бунинг учун Шоҳруҳия, Дўстлик, Олимкент ҳудудларидаги хиёбонларни замонавий қиёфага келтиришни режалаштирганмиз.

Туманимизнинг кўчаларини ободонлаштириш ва таъмирлаш бўйича белгиланган чора-тадбирларимизнинг қамрови катта. Йил охиригача 86,5 мингта манзарали ва 35,6 мингта мевали дарахт ҳамда 66 минг дона турли гул кўчатлари ўтказилади.

**Қаҳрамон ФАРМОНҚУЛОВ,**
**туман бош меъмори.**



*• Алишер Навоий қишлоғида барпо этилаётган уч қаватли маиший хизмат кўрсатиш ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежи 615 ўринга мўлжалланган. Уни "Умид Гранд Барака" хусусий фирмасининг 112 нафар қурувчиси бунёд этаяпти.*

*Коллеж қурилиши учун 2 миллиард 597 миллион 800 минг сўм сарфланяпти. Ҳозирга қадар тажрибали қурувчилар 1,5 миллиард сўмлик қурилиш ва монтаж ишларини бажаришди. Мутахассисларнинг айтишича, коллежда волейбол, баскетбол, теннис, футбол майдонлари бўлади. Фан кабинетлари замонавий ўқув жиҳозлари, асбоб-ускуналар билан таъминланади.*

**СУРАТДА:** (ўнгдан) иш юритувчи Уммат Шерматов ва ишчи Дилмурод Эгамбердиев навбатдаги вазифалар ҳақида фикрлашмоқда.

**Саҳифани «Тошкент ҳақиқати» мухбирлари Сайёра РИХСИЕВА, Хуршида НАЗАРОВА ва Даврон АҲМАД (суратлар) тайёрлади.**

*Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги олдидан*

# ШОҲРУҲИЯ ТИЛСИМЛАРИ

**Тошкент вилоятининг қулай географик жойлашуви, дарё ва сойлари, мўътадил иқлими унинг қадимдан аҳоли яшайдиган маконлардан бирига айланишига сабаб бўлган. Ўтмишда Чоч (Шош), Бинкат, XI асрдан Тошкент деб номланган шаҳар ҳамиша кенг жамоатчилик эътиборини тортиб келган.**

Тошкентнинг қадимдан илм-фан ва маданият маркази эканлигига, Ўзбекистон давлатчилиги тарихидаги ўрни ва моҳиятига алоҳида эътибор берган Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлаш ҳақидаги қарори асосида байрам тадбирларига тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Кўламли илмий тадқиқотлар, археологик қазув ишлари, бизгача етиб келган ёзма манбалардаги маълумотларга қараганда Тошкент шаҳри, жумладан, Тошкент вилояти шу бугунгача катта тарихий жараённи босиб ўтган. Ҳақиқатда ҳам диёримизнинг тоғли туманларида сақланиб қолган ғорлар ва зиёратгоҳлардан топилаётган тош қуроллари, турли кўринишдаги бойликлар, мозор-қўрғонлар, қишлоқ ва шаҳар харобалари қолдиқлари шундан далолатдир. Вилоят қадимдан йирик-йирик ўлкаларнинг бир-бири билан иқтисодий ва маданий алоқалар олиб боришга хизмат қилган карвон йўлининг шоҳ бекатлари ёқасида жойлашганлиги ҳудуд аҳолиси тараққиётида муҳим омил бўлган.

Тарихий манбаларга қараганда, Тошкент вилояти аҳолиси Чингизхон босқинининг даҳшатларини бошдан кечирган. Натижада Ўзбекистоннинг гуллаб яшнаётган юзлаб қишлоқлари, шаҳарлари қаторида пойтахт вилоятининг ҳам ўнлаб йирик-йирик шаҳарлари вайрон этилди ва кўпчилигида ҳаёт батамом тўхтади.

Амир Темур тарих саҳнасига кириб келиши билан сўлиб қолаёзган гўшалар қайта жонланди. У 1370 йили Мовароуннаҳр тахтига ўтиргач, Ўзбекистон диёридаги вилоятларда қадимдан мавжуд бўлган юзлаб шаҳарларда ободончилик ишларини олиб боришга киришди. Натижада вайронага айланган шаҳар ва қишлоқларда ҳаёт жонлана бошлади. Хавфдан сақланиш мақсадида янги-янги мудофаа иншоотлари қурилди, эскилари тикланди.

Ана шундай қадимий харобалар ўрнида тикланган шаҳарлардан бири Шоҳруҳия қалъасидир. Унинг қадимги номи Банокат бўлиб, Сирдарёнинг ўнг соҳилида – Оҳангарон дарёсининг Сирдарёга қўшилиш қисмидаги карвон йўли ёқасида (ҳозирги Оққўрғон тумани ҳудудида) жойлашган. Тадқиқотларга кўра, дастлаб унинг мудофаа девори бўлмай, дарё ва жарликлар ҳимоя воситаси бўлиб хизмат қилган. Илк ўрта асрларда мудофаа девори қурилган бўлиб, 22 гектар майдонни эгаллаган. Ўрта асрларга келиб майдони кенгайиб (140 гектар), арк, учта шаҳристон ва работдан иборат бўлган. Бу қадимги шаҳар ҳақида ёзма манбаларда маълумотлар оз учрайди. Тарихчи Шарафиддин Али Яздий маълумотига кўра, Шоҳруҳияни Фанокант дейишаркан. Шаҳар Чингизхон лашкарининг ҳужумидан шунчалик хароб бўлганки, ундаги ободликдан асар ҳам қолмади. Сичқон йили, яъни етти юз тўқсон тўртинчи (1392) йили Соҳибқирон уни обод қилишга буюрди. Бунёдкорлар фармонга мувофиқ унинг атрофини мустаҳкам қўрғон билан ўрадилар. Теварак атрофдаги аҳолининг барчасини у ерга кўчирдилар. XIV-XV аср тарихчиси Фасиҳ Аҳмад Хавофийнинг айтишича, Амир Темур Чингизхон томонидан вайрон этилган Банокат мавзеидаги шаҳарни 1382 йил қайтадан тиклаб, унга Шоҳруҳия деб ном берган. Бу шаҳар шаҳзода Шоҳруҳга аталгани сабабли, шу ном билан машҳур бўлган. XV аср тарихчиси Абдураззоқ Самарқандий Шоҳруҳия ҳақида: "У шундай ҳисорки, Сайҳун суви унинг атрофидан айланади, қалъанинг уч атрофини сув ўраган. Сув ўтмайдиган бир тарафи эса чуқур ва катта жарликлар, ўпирилган жойлардан иборат бўлиб, у ерлардан ўтиш ниҳоятда қийин" деб ёзади. Бошқа тадқиқотчиларнинг (Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Мирзо Муҳаммад Ҳайдар каби) маълумотларида ҳам Шоҳруҳия мустаҳкам қалъа бўлганлигини ва Амир Темурдан сўнг темурийзодалар ўртасидаги тўқнашувлар натижасида қўлдан-қўлга ўтиб турганлигини ва унинг кейинги асрларда ҳам йирик шаҳарлар қаторидан жой олганлиги қайд этилган. Масалан, Муҳаммад Солиҳхўжанинг Шоҳруҳия ҳақидаги маълумотига кўра, 1863-1864 йиллари Сирдарё тошиб, подшоҳларнинг саройи ва ўтмиш ҳоқоний кутубхонаси Сирдарёга қулаб тушган. Тахминан минг жилд китоб сувга чўкиб кетган. Баъзи бир подшоҳлик дафтарларини ва тарих китобларини ул жойнинг одамлари сув юзасидан олган эканлар...

Ҳозирги кунда Тошкент вилоятидаги қадимий ўнлаб йирик шаҳарлар ўрнини култепаликлар эгаллаган. Унинг қаърида яширинган сиру асрорлар ўз тадқиқотчиларига муштоқ.

**Ўткир АЛИМОВ,**
**Темурийлар тарихи давлат музейининг етакчи илмий ходими.**

# SMS ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТЎЛОВ

**"eKarmon Group" масъулияти чекланган жамияти компанияси "eK SMS" яъни, SMS технологиялари ёрдамида тўловларни амалга ошириш хизматини тақдим этмоқда.**

"eK SMS" – бу фойдаланувчиларга "eKarmon" тизимида ўз "электрон кармон"ларини SMS хабарлар ёрдамида масофали бошқариш имконини берадиган қўшимча хизмат тури ҳисобланади. Мисол учун, бунга мобиль алоқа ва уй телефони рақамига тўловлар, Интернет хизмати ва IP-телефония учун ПИН-кодларни харид қилиш, Тошкент шаҳри ҳамда вилоятларда газ, электр энергияси учун тўловларни амалга ошириш, ўз яқинларининг "электрон кармон"ларига пул ўтказиш, бажарилган транзакция жараёни ва электрон ҳисоб рақамни текшириш каби кўплаб ишларни бажариш мумкин.

"eKarmon Group" масъулияти чекланган жамияти компанияси "eKarmon" интернет-тўловлари тизимининг оператори ҳисобланади. Мазкур компания мамлакатимизда электрон тижоратни биринчилардан бўлиб йўлга қўйган. "eKarmon" тизимида электрон тижорат иштирокчилари учун айни вақтнинг ўзида Интернет тармоғи ёрдамида шахсий электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда, маҳсулотларни харид қилиш ёки хизмат кўрсатиш имконини беради. Бу фойдаланувчиларнинг "электрон кармон"лари хавфсизлигини кафолатлайди.

**В. НИКОЛАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ХАЙРИЯ КОНЦЕРТИ

**Республика Қўғирчоқ театрида "Шарқ аёли" халқаро аёллар жамоатчилик жамғармаси, Республика "Сен ёлғиз эмассан" болалар жамоатчилик жамғармаси ва Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ҳамкорлигида хайрия концерти ташкил этилди.**

Хайрия концерти ўзига хос кичик юлдузлар шоусига айланди. Бир қатор болалар ижодий жамоалари ва рақс студиялари иштирокчиларининг чиқишлари ёш томошабинларга кўтаринки кайфият улашди. Шунингдек, тадбир доирасида Республика "Сен ёлғиз эмассан" жамоатчилик жамғармаси қошидаги Болалар ижодий маркази аъзоларининг расмлар кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

**"Туркистон-пресс".**

*Спартакиада*



# КУЧ ВА МАҲОРАТ СИНОВИ

**Тошкент тумани ижтимоий-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида VII анъанавий саломатлик спартакиадаси ўтказилди. Мусобақаларда коллежнинг 1285 ўқувчи ва ўқитувчиси қатнашди.**

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси садолари остида Давлат байроғини "Мактабгача таълим" йўналиши ўқувчиси, каратэ бўйича Ўзбекистон чемпиони, жаҳон чемпионати кумуш медали соҳибаси Гулчеҳра Эргашева кўтарди. Шунингдек, спартакиада рамзий машъаласини "Эркин кураш" бўйича республика чемпиони, коллежнинг "Ҳуқуқ ва ижтимоий муҳофаза" йўналиши ўқувчиси Ботир Файзиев ёқди.

Гуруҳлар 100 метрга югуриш, узунликка сакраш, ядро ирғитиш, тош кўтариш, гимнастика машқларини бажариб, 1000, 500 метрларга кросс, эстафета, арқон тортиш бўйича беллашди. Бўлимлараро футбол мусобақалари ўтказилди.

– Коллежимизда бу каби йирик спорт байрамларини ўтказиш анъанага айланган, – дейди коллеж директорининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари Дилобар Мўминова. – Жумладан, "Югурувчилар куни", "Қизлар спартакиадаси", "Меҳнатни шарафлаш куни" ўқув муассасамизнинг ўзига хос мақсад ва мазмунга эга бўлган анъанавий тадбирларидир. Қолаверса, кикбоксинг ловкик йўналиши бўйича 3 карра Тошкент шаҳар чемпиони Дониёр Илҳомов, кикбоксинг бўйича республика чемпиони Ҳожиакбар Аброров, "Эркин кураш" бўйича республика чемпионлари Иброҳим Аҳмаджонов ҳамда Беҳзод Сувонқулов, шунингдек, кикбоксинг бўйича республика чемпиони Ғанишер Асадов халқаро ва республика мусобақаларида муваффақият қозониб келмоқдалар.

Спартакиада мусобақаларида "Бошланғич таълим", "Банк иши", "Тиббий ижтимоий ёрдам" каби йўналишларнинг ўқувчилари айниқса, юқори натижаларга эришишди. Жумладан, гимнастика машқларини бажаришда "Бошланғич таълим" йўналиши гуруҳлари барча ўринларни забт этишган бўлса, қизлар ўртасидаги эстафета, узунликка сакраш, ядро ирғитиш мусобақаларида ҳам бу йўналиш вакиллари ўз спорт салоҳиятларини тўла намоён этдилар. 100 метрга югуриш бўйича ўғил болалар ўртасидаги мусобақада "Ҳуқуқ ва ижтимоий ҳимоя" йўналиши 3-босқич ўқувчиси Комил Нуралиев, қизлар ўртасида 60 метрга югуриш бўйича "Тиббий ижтимоий ёрдам" йўналиши 2-босқич ўқувчиси Муяссар Ғафурова ғолиб бўлишди.

Шунингдек, умумжамоа ҳисобида, "Банк иши" 1-босқич ўқувчилари спартакиаданинг "Энг яхши спорт формаси", "Педагогика" бўлими "Сафда юриш" ҳамда қизлар ўртасидаги "Арқон тортиш" шартларида мутлақ ғолиб бўлдилар.

– Мусобақалар жараёнида ўғил болалар ўртасида 1000 метрга югуриш ғолиби бўлдим, – дейди "Банк иши" йўналиши 2-босқич ўқувчиси Азим Тўхтамуродов. – Бунга эришиш осон кечгани йўқ, албатта. Умуман олганда, ўтган йилги мусобақаларда олган таассуротларим ва спорт билан мунтазам шуғулланишим самара берди, деб ўйлайман.

Мусобақа якунида йўналишлар бўйича 1-ўрин ғолиблари спартакиада чемпионлик медали ва 1-даражали диплом, 2-, 3-ўрин соҳиблари диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди. Умумжамоа ҳисобида биринчиликни қўлга киритган гуруҳлар махсус кубок билан мукофотланди.

**Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

**СУРАТДА:** спартакиада мусобақалари жараёнидан лавҳа.

Утерянный гос. ордер № 09-01/3884, от 02.03.1993 г. права собственности на квартиру Сушко Анатолия Павловича,
**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

# ХАЛҚ АМАЛИЙ САНЪАТИМИЗ – ДУНЁ НИГОҲИДА

**Тошкентдаги Абулқосим мадрасасида 29 апрель куни "Ўзбекистон халқ амалий санъати – дунё нигоҳида" савдо-кўргазмаси очилди.**

"Ўзбектуризм" миллий компанияси, Ўзбекистон Миллий санъат маркази ҳамда "Ҳунарманд" уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирнинг очилишида юртимиздаги қатор вазирлик ва идоралар, мамлакатимизда аккредитация қилинган дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Халқ амалий санъати намуналари ва миллий ҳунармандлик буюмлари хорижлик сайёҳлар эътиборини тортувчи муҳим омиллардандир. Кўргазмада ҳунармандларимиз тайёрлаган ранг-баранг маҳсулотлар, жумладан, кулолчилик ва зардўзлик, ёғоч ўймакорлиги ва миллий каштачилик буюмлари намойиш этилмоқда.

**Мадина УМАРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# ТУЗОҚҚА ТУШГАНЛАР ТАҚДИРИ – АЯНЧЛИ

**Республика Киночилар уйида "Ўзбеккино" миллий агентлиги "5-студия" ёшлар ижодий уюшмаси томонидан суратга олинган "Тузоқ" бадиий фильмининг тақдимоти бўлиб ўтди.**

"Ўзбеккино" миллий агентлиги бош директори А. Исҳоқов, Маънавият тарғибот маркази раҳбари М. Ҳожиматов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ўсиб келаётган ёш авлод маънавиятини шакллантиришга, уларни эзгуликка, одамийликка, тўғри йўлга бошлайдиган, миллий ўзлигимизни англашга, юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қиладиган фильмлар яратишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлашди.

Тоҳир Шомуродов сценарийси асосида режиссёр Баҳриддин Айназаров томонидан суратга олинган фильмда юртимизга кириб келишга уринаётган турли диний оқимларнинг ғаразли мақсадлари очиб берилади. Бундай оқимга адашиб кириб қолган инсонларнинг аянчли қисмати, бу оқимнинг жамият тараққиёти, хусусан, ёшлар онгига зарарли таъсири ҳамда унга қарши кураш ҳақида ҳикоя қилинади.

**Гўзал САТТОРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# ТАЪСИФНОМА

*Ҳажвия*



Кичкина хонада бақалоқ, тепакал касаба уюшмаси раиси ниманидир ёзиб-чизиб ўтирибди. Олдига сочларига оқ оралаган, кичкина қоринчаси бор одам аста салом бериб кирди. Раис бош кўтармай сўради:

– Хўш, хизмат?!

– Тавсифнома берсангиз деган эдим. Тез олиб кел, дейишяпти.

– Ўзинг ёзиб ол-да. Менга нега келдинг?

– Қандай ёзиб оламан?

– Шундай. Тавсифномани ўзинг ёз, мен қўл қўйиб бераман. Нима, кўрмаганмисан? Ҳамма ўзи ёзади. Биров сенга ёзиб берарми-ди? Тавба! Эй, менга қара, икковимиздан қайси биримиз сени яхши биламиз? Ма, ручка, қоғоз. Ўтир. Ёз. Менга халақит берма фақат.

Ишхона ходими унинг қаршисига ўтирди-да, қўлига ручка олиб, ёза бошлади.

– Хў-ўш, тавсиф-но-ма... Берилди ушбу...

Ўртоқ... бизнинг жамоамизда йигирма йилдан бери кичик ходим бўлиб ишлайди. Иш фаолиятида ўзини...

Ходим ручканинг бошини тишлаб, пича ўйланиб турди-да, сўнг раисга қаради:

– Раис бова?

– Хўш, яна нима?

– Раис бова, мен фаолиятимда ўзимни қандай кўрсатдим?

– Қандай? Ҳеч қандай. Нима хоҳласанг шундай деб ёзавер.

– Иш фаолиятида ўзини ёмон кўрсатгани йўқ, деб ёзсам бўладими?

– Тавба! Ким шундай деб ёзади. Бу, ахир, тавсифнома-ку, галварс. Ёз, жуда яхши деб ёз...

– Хўш-ш, "ўзига бириктирилган вазифани..." – ходим яна тўхтаб, ниманидир ўчириб-ёзаётган раисга қараб қолди. – Узр, бир секунд вақтингизни оламан яна. Айтингчи, мен ўз вазифамни қандай бажараяпман, сизнингча?

Раис бош кўтармай қайта сўради:

– Қандай дейсанми? Ҳа-а, ҳеч қандай. Э-э, ёзавермайсанми яхши деб. Мунча кўп гапирасан-а. Индамай ёзсанг-чи, халақит бераяпсан.

– Узр. Демак, "Ўз вазифасини яхши бажараяпти". Шундайми?

– Уф-ф. Қаерда шундай деб ёзганини кўргансан. Ёз, "сидқидилдан, жуда яхши бажараяпти" деб ёз. Ким кўриб ўтирибди сенинг ишга бир келиб, бир келмай, ичиб юришингни.

– Ҳа-я, тўғри айтасиз. Хў-ўш, "жамоа ўртасида обрўйи унча ёмон эмас" десам бўлармикан-а?

– Қанақа обрў? Сенда обрў деган нарсанинг ўзи борми? Қайси гўрдан келдинг ўзи! Менга халақит бераяпсан, ахир.

– Нима деб ёзай бўлмасам?

– Уф-ф, бир тавсифномани ёзишни билмайди-я. Йигирма йил ишлаб... Ҳе, ўргилдим сендан. Яна тағин бу аттестация топширмоқчи эмиш. Ёз, – раис ишини тўхтатиб, унга айта бошлади: – Интизомлилиги ва принципиаллиги билан ўз жамоаси орасида обрў қозонган. Ақл-заковат талаб қиладиган ҳар қандай ишда ўзини кўрсата олади, дадиллик билан ҳаракат қилади... Ёздингми? Яна ёз: маъмурият томонидан бир неча марта ҳайфсан... э-э, тўхта, бир неча марта ташаккурномалар олган. Ўз ишининг ўта устаси, жуда билимдон... Хўш-ш, ёз: у ҳар ишда ташаббускор, журъатли, тўғри сўз ва маънавий етук инсон... Ҳи-ҳи-ҳи, агар кўп ичиб кўчада ағанаб ётишини айтмаса, ҳи-ҳи-ҳи, буни ёзма-е, ҳазил бу, ҳазил. Хўш, ёздингми? Хў-ўш, яна нима қолди? Ўз ўртоқларига меҳрибон, ғамхўр. У буюк, тенги йўқ одам. Оиласининг суянчиғи... Хотинининг билан ярашдингми? Ёки ҳали ҳам болалари билан отасиникидами?

– Келди, келди. Ярашдик. Хў-ўп, "оиласининг таянчи"..., ёздим, кейинчи...

– Кейинми? Бўлди-да, шунчаси. Нима, депутатликка сайланармидинг?! Бор йўғи касбига лойиқлиги тўғрисида аттестациядан ўтиш учун шу ҳам бўлаверади. Тугатдингми? Хўп, опкел, қўл қўяман...

Раис унинг тавсифномасига қўл қўяр экан, афтини бужмайтирди ва қоғозни унга ирғитди.

– Вой бу-у, бу нима ёзув? Ким айтади сени олий маълумотли ходим, деб. Бор, қайтадан кўчириб кел. Анови компьютерчига бер, чиройли қилиб кўчириб беради.

– Э-э, раис бова, кечикиб кетаман. Қўл қўя қолинг энди.

– Йўқ, бўлмайди. Бунақа ажи-бужи ёзувга мен ҳам, корхона бошлиғи ҳам қўл қўймаймиз. Компьютерда ёздириб кел. Бор-бор. Вақтимни олма. Ҳе, ўргилдим сендақа...

Ходим норози қиёфада хонадан чиқиб кетди. Раис эса яна ёзишга тушди.

– Хў-ўш-ш, "У ўн йилдан бери шу корхонада касаба уюшма раиси бўлиб ишлаб келмоқда. Жамоа орасида алоҳида ҳурматга эга... У тўғрисўз, кўзбўямачиликка тоқати йўқ, ўта принципиал одам...". Хўш-ш...

**Сафар КОКИЛОВ.**

*Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг*

# ҒАЛАТИ ЁМҒИРЛАР

● 1754 йили Бавария ҳудудидаги Миттельшудт қишлоқчасида тўсатдан осмондан тирик қисқичбақалар ёғила бошлади. Аҳоли бу мўл ўлжадан хурсанд бўлди-ю, аммо кўпчилик "осмон ҳадя"сидан шикастланди ва зиён кўрди. Айтишларича, ёғин пайтида подадаги қўйлар безовталаниб, ҳар тарафга югуришган, чўпонлар уларни тўплай олмаганлар.

● 1940 йил 17 июль куни Горький вилоятидаги Мешчера қишлоғи яқинида шоҳ Иван Грозний даврида зарб этилган кумуш ва олтин, 1956 йил ноябрда эса Англиянинг Хэнхем шаҳрида қиймати 1 ва 0,5 пенсга тенг тангалар худди ёмғирдек ёғган.

● 1840 йили Испаниянинг жанубий музофотларидан бирида осмондан буғдой ёғган. Буғдой шунчалар кўп эдики, аҳоли уни белкуракларда тўплаб олиб, юборган неъмати учун Яратганга ҳамду санолар айтишган. Тўғри, кейинчалик бу "совға"-ни Марокашдаги буғдой омборини вайрон қилган қуюн келтирганлиги маълум бўлди.

● Осмондан неъматлардан ташқари хавфли нарсалар ҳам ёғиши мумкин. 1984 йили Лейквуд шаҳрида осмондан... оғирлиги 12 килограмм бўлган тўп ўқи тушган. 1958 йили худди шунга ўхшаш воқеа Неаполда юз бериб, Иккинчи жаҳон уруши даврига оид немис снарядлари ёғган.

● Табиатнинг баъзи "қилиқ"ларига ақл бовар қилмайди. Кутилмаганда осмондан балиқ, қуш ва бақалар «ёмғири» ёғади. 1924 йили Сан-Диегода қушлар "ёмғири" гувоҳларининг айтишларича, карахт қушларнинг кўпи ўзига келганидан сўнг учиб кетишган.

**Файзулла АБДУЛЛАЕВ тайёрлади.**

*Рассом хандаси*




Ҳусан СОДИҚОВ чизган расм.

Утерянный диплом В № 210315, выданный 22 июля 2005 г. Ташкентским институтом ирригации и мелиорации на имя Сейтаниди Дмитрия Константиновича,
**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Холиқулова Назира Абдулхамитовна номига берилган "Себзор" массиви, 45-уй, 5-хонадон манзилидаги уйнинг кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Утерянное гувохнома (патент) № 01-01581 (реестровый № 0103117), выданное 14 июня 2006 года на имя частного предпринимателя Ляпина Анатолия Ахтямовича,
**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Утерянные кадастровые документы на имущественный комплекс, принадлежащий СП ООО "Отель Узбекистан", расположенный по адресу: г. Ташкент, Мирзо-Улугбекский район, ул. Мусаханова, д. 45,
**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Утерянный государственный кадастр на часть здания на право собственности под № 3-339/2005, выданный физическому лицу Гимушу Фуату Рифгатовичу. Объект: комната компьютерных и полиграфических услуг. Адрес: Г. Ташкент, Чиланзарский район, квартал № 7, д. 32, кв. 50,
**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Общество с ограниченной ответственностью "BRICK IMPEX TRADE" (ООО "BRICK IMPEX TRADE") зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Яккасарайского района г. Ташкента реестр. № 004037-11 от 18.08.2008 года (ИНН 300914278, ОКПО 22479747) **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (решение собрания учредителей № 3 от 30.04.2009 г.).
Притензии принимаются по тел.: 281-46-98.

Яккасарой туман БТИ томонидан Муқанна берк кўчаси, 16-уй манзилида яшовчи Вали Муҳаммад Султон номига берилган уй план ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Шайхонтоҳур тумани, М-15, Жанггоҳ кўчаси, 2-ВГ уй, 19-хонадонда яшовчи Низамов Фозилжон Холтаевич номига берилган уй план режаси йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси жамоаси Чирчиқ шаҳар Аҳоли ва раҳбарлар таркибини тайёрлаш маркази бошлиғи Ҳусниддин Аглаевга ўғли **Руҳиддин АГЛАЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03, 236-53-54.

Манзилимиз:
100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-440. Адади 8441. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318. *Саҳифаловчи: Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ.*

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. *"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясибосмахонасида босилди.* *Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.* Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 22.00.